

Хосият ИСАЕВА



СЕХРЛИ БОҒ



ХОСИЯТ ИСАЕВА



СЕҲРЛИ БОҒ

Шеърлар

«Sharq» nashriёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент - 2019



УЎК 821 512 133-(081)

КБК 84,5(59)6

И - 64

И - 67 Исаева, Хасият

Шеърлар. Т.: «Sharq», 2019. 96 б.


Қўлингиздаги ушбу «Сехрли боғ» деб аталган муъжиз шеърлар тўпламида шайра Хасият Исаеванинг қўлаб машқлари орасидан энг муваффақиятли чиққанлари танлаб олинди. Бу шеърлар бир уқиганда эҳтимол содда туюлиши мумкин. Лекин шунда ҳам талқона бир жила, тирик ҳислар, эзгуликка чорлов, айниқса, энг баланд қадриятларимиз борасида ёниб тизилган мисралар шеъринини бағфарқ қолдирмайди, деган умиддамиз

ISBN 978-9943-26-937-8

УЎК 821 512 133-1(081)

КБК 84,5(59)6

ISBN 978-9943-26-937-8



© Х. Исаева, 2019.

© «Sharq» нашриёт-матбаа

акциядорлик компанияси Бош тахририяти, 2019.

Ушбу китобимни қадрли дугонам,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
артист **Санобар Каримованинг** порлоқ
хотирасига бағишлайман.

Муаллиф

Кимлар осмонимни зангормас деди,
Менинг кўзим билан кўрсалар эди...
Гулчеҳра Нуриллаева

МУҚАДДАС НИМА БОР ВАТАНДАН БЎЛАК

Тупроғингни кузга этиб тутиё,
Бағрингда топдим мен меҳрдан зиё.
Кўксим қалқон бўлсин, шу жоним фидо,
Сенсиз не керакдир бу ёруғ дунё.
Муқаддас нима бор Ватандан бўлак?!
Булбулга не гўзал чамандан бўлак?!

Тарихинг оламга бўлгандир дoston,
Буюк алломалар кўз очган макон.
Сенга қасд қилганлар топмагай омон,
Жасур фарзандларинг юртим сен томон.

Муқаддас нима бор Ватандан булак?!
Булбулга не гузал чамандан булак?!

Азиз кўрингайдир ҳар бир ниҳолинг,
Бунчалар фусункор юртим жамолинг,
Бахтинг боқий бўлсин, кўрмай заволинг,
Аллоҳдан сўрайман мангу иқболинг.
Муқаддас нима бор Ватандан булак?!
Булбулга не гузал чамандан бўлак?!

ОНА ЗАМИН ОМОН БЎЛСИН

Иссиқ тупроқ, илик тупроқ,
Қайдин сенда бунча титроқ?
Меҳрсизлик сездингми-ё?
Одамлардан бездингми-ё?

Сен онамсан, ризқ берганим,
Ардоқлаб ғамим еганим.
Бир дон эксам минг айлаган,
Кўксига дунё жойлаган.

Кўклам кўркам либосинг бор,
Ёзда офтоб қиёсинг бор,
Кузда кўксинг ийиб кетар,
Қишда Аллоҳ суюб утар.

Заминимсан замон ошган,
Чексиз бойлик тўлиб-тошган.
Кузга суртсам гар тупроғинг,
Қоларми онам титроғинг?!

Фарзандларинг фахри ўзинг,
Оқлагайдир берган тузинг,
Тукинчилик замон бўлсин,
Она замин омон бўлсин.



ЮРАГИМГА ЯҚИН ОДАМЛАР

Узгалар дардига шерик булганим,
Яхшилар қалбида тирик бўлганим,
Икки дунё аро кўприк булганим,
Сизлар – юрагимга яқин одамлар.

Туғилган тупроғим олтин деганим,
Боғ экиб, ёдгорлик қолсин деганим,
Келажак авлоднинг ғамин еганим,
Сизлар – юрагимга яқин одамлар.

Ота-она пойин жаннатим деган,
Шарафдир қилсам гар хизматин деган,
Бу дунёда тенгсиз давлатим деган,
Сизлар – юрагимга яқин одамлар.

Муҳаббатни қалбда қуёш айлаган,
Минг йил кутса ҳамки бардош айлаган,
Юлдузли тунларни сирдош айлаган,
Сизлар – юрагимга яқин одамлар.

Меҳр занжирини узмаганим сиз,
Инсонийлик қадрин бузмаганим сиз,

Оқибат йўлини излаганим сиз,
Сизлар – юрагимга яқин одамлар.

Бахту бахтсизликда Аллоҳ деганим,
Имонсиз яшамоқ гуноҳ деганим,
Ҳақ йўлини мудом паноҳ деганим,
Жаннатдан сиз паноҳ топинг деганим,
Сизлар – юрагимга яқин одамлар.

ЯХШИ ОДАМЛАР

Чархпалак бу дунёнинг
 ипларин боғлаганим,
Қуёшдан ҳам аъло бўлиб
 ўзига чорлаганим.
Қалби мудом эзгуликлар
 нури билан ёниб яшаб,
Чорасиз қолса киши гар
 кўнглини чоғлаганим
Яхши одамлар.

Сиз борсизки юракларда
 умид гули сулмагай,
 Сизсиз бу дунё қоронғу,
 ҳатто қуёш кулмагай.
 Сиз боғбонсиз юракларда
 меҳр боғин султони,
 Нодонгина бу зиёнинг
 нурларини кўрмагай
 Яхши одамлар.

Сизда кўринмас сеҳр бор
 кузингизда яширин,
 У шундайин бир сеҳрки
 ошкора этмас сирин.
 Ёмонни ҳам йўлга солиб,
 равон йўлга бошлагай,
 Таърифига сўз тополмай,
 санаб ўтай қай бирин
 Яхши одамлар.

Таъзим этишга ҳамиша
 қалбимни тайёр этай,
 Юракдан раҳматимни
 қалам-ла ошкор этай,

Токи тирикдир Хосият
 дийдорингиз хумори,
 Шеърларим-ла йўлингизга
 очилган гулзор этай
 Яхши одамлар.

ЯНА КҮРДИМ

Тушимда боғимиздан
 утдингиз отажоним,
 Бир оғиз сўз демасдан
 кетдингиз отажоним,
 Наҳот айрилиқ йулин
 тутдингиз отажоним,
 Йиллар йулларингизга
 зор бўлган қизингизман,
 Соғинчлардан сабрга
 ёр бўлган қизингизман.

Болалигимга бордим
 йиғламадим бош уриб,
 Ухлаган деб уйладим
 сизни мен жонсиз кўриб,
 Сўнгги йул ортингиздан
 чопмагандим югуриб,

Йиллар йўлларингизга
зор бўлган қизингизман,
Соғинчлардан сабрга
ёр бўлган қизингизман.

Йиллар ел каби утмиш,
сочларимга тушмиш оқ,
Соғинсам чидолмасман
юракда ёнар титроқ,

Болалигим қайтмагай
Сиз-ла яшайман бироқ,
Йиллар йўлларингизга
зор бўлган қизингизман,
Соғинчлардан сабрга
ёр бўлган қизингизман.

Тушда кўрдим, ўнгимда
тополмадим изингиз,
«Эна қизим» деб айтар
эркаловчи сўзингиз,
Сизни кўмсаб тонг чоғи
йиғлар Хосиятингиз,
Йиллар йўлларингизга
зор бўлган қизингизман,
Соғинчлардан сабрга
ёр бўлган қизингизман.

ОНАЖОНГИНАМ

Офтобсиз оламда яшамас инсон,
Онасиз дунёга келмагай бир жон.
Армоним кўксимда тенги йўқ исён,
Онажон, онажон, онажонгинам,
Қадрингиз билинди меҳрибонгинам.

Соғиниб борганда кутганим қани?
Болам деб, илиниб тутганим қани?
Мен учун аламлар ютганим қани?
Онажон, онажон, онажонгинам,
Меҳрингиз билинди меҳрибонгинам.

Болам она деса, кўзим ёшланар,
Тенгингиз кўрганда дардим бошланар.
Дастурхон бошида кўнглим ғашланар
Онажон, онажон, онажонгинам,
Урнингиз билинди меҳрибонгинам.

Келмасингиз баъзан сезарман ёниб,
Кутишдан умидим узарман ёниб,
Ўзимдан ҳам ўзим безарман ёниб,
Онажон, онажон, онажонгинам,
Суянчим, сирдошим, меҳрибонгинам.

Гулгун чехрангиздан гулга айландим,
Кунгилда куй билан йулга шайландим,
Сизнинг руҳингизга мангу бойландим,
Онажон, онажон, онажонгинам,
Руҳингиз шод бўлсин меҳрибонгинам.

БУНЧАЛАР СОҒИНТИРДИНГ

*(«Замин» студияси раҳбари
Саъдулла Абдуллаевга)*

Соғинчларим саноғига
етмагайдур юлдузлар,
Сув бўлса гар сиғдиrolмас
тенгсиз дарё-денгизлар,
Нигоҳим ҳеч қуним топмас,
сенинг кўзларинг излар.
Қайлардасан укажоним,
бунчалар соғинтирдинг,
Танҳогинам, меҳрибоним,
бунчалар соғинтирдинг.

Суратингга сўзлаганча
тулиб-тошиб кетарман,
Хаёлинг-ла ташвишларим
бутунлай унутарман.

Дийдорингни насиб эт деб
 Аллоҳимдан кутарман.
 Қайлардасан укажоним,
 бунчалар соғинтирдинг,
 Дақиқалар адо бўлмас,
 йилчалар соғинтирдинг.

Бемор булдим бошгинамда
 булдинг мудом парвона,
 Сабр билан не десам ҳам
 тингладинг камтарона,
 Меҳр сутин бериб сенга
 улғайтмиш қай бир она.
 Қайлардасан укажоним,
 бунчалар соғинтирдинг,
 Сўзларингни истаб
 кундуз-кечала соғинтирдинг.

Кайда бўлсанг омон булгин
 тилагимдир ягона,
 Янги йилда янги омад бўлсин
 қутлуғ остона,
 Оилангга тинчлик ва бахт бўлсин
 доим парвона.
 Қайлардасан укажоним,
 бунчалар соғинтирдинг,
 Изларингга садқа кунгил,
 шунчалар соғинтирдинг.

ҚИЗАЛОҒИМ

Кулгичларинг кўнглим ардоғи,
Севинчимнинг йўқдир адоғи,
Овозингдан олам мунаввар –
Қизалоғим, сен кулсанг агар.

Армонларим қолиб кетади,
Шукроналик мафтун этади,
Дилга қўшиқ, куйлар ўтади
Қизалоғим, сен кулсанг агар

Бахти бекам толе тилайман,
Шодон юрганингни кўрайман,
Минг бор айланиб, ўргилайман,
Қизалоғим, сен кулсанг агар.

Онажонинг илҳоми ўзинг,
Ёниб турган шу юлдуз кўзинг,
Сенга айтар энг эзгу сўзим
Қизалоғим, сен кулсанг агар.



БЎЛМАСИН УРУШ ДЕЙДИ

Борса келмасга кетган,
Узи билмасга кетган,
Қуш ҳам қунмасга кетган,
Урушга кетган одам.

Тишлаган нони қолган,
Ватан деб қурол олган,
Душман ичра йўқолган,
Урушга кетган одам.

Окопларда ётган у,
Совуқларда қотган у,
Бор азобни тотган у,
Урушга кетган одам.

Кўкда қушмас уқ учар,
Кимдир тупроқни қучар,
Ватан дея онт ичар,
Урушга кетган одам.

Икки дунё бир қадам,
Қаршисида шум қадам.

Олға юрар шунда ҳам,
Урушга кетган одам.

Парча нонни қирқ бўлган,
Қалби соғинчга тўлган,
Онасин тушда кўрган,
Урушга кетган одам.

Бўлмасин уруш дейди,
Беаёв юриш дейди,
Энг даҳшатли туш дейди,
Урушдан қайтган одам.

ШИФОКОРЛАРГА

Инсон орзуси купдир,
Санаб утай қай бирин:
Бири тилида бўлса,
Бири дилда яширин...

Орзуларнинг аълоси
Ҳеч шубҳасиз соғлиқдир.
Баъзан касал бўлганда
Духтирга ҳам боғлиқдир.

У шундайин касб эрур
Хато қилиб булмайди.
Оқ халат кийган ҳамма
Ҳаким бўлавермайди...

Инсон тани тажриба
Майдони эмас ахир.
Ҳаёт-мамот жанги бу,
Ҳамма гап ана шунда!

Шифокорнинг хаёли
Беморида бўлади.
Даво топгач заволсиз
Шунда кўнгли тўлади.

«Тузалдингиз» деган сўз
Бемор кўнглини чоғ этар.
Чўкиб кетган юрагин
Мисли улкан тоғ этар.

Арзимаган шеъримни
Сизга битдим шифокор.
На шифокор, сиз асли
Эл дардига мададкор!

Abdulla Qodiriy nomidagi
viloyat AKM ✓

INV № 1692 22- 20194

СЕНИ КҮРДИМ

Ён кӯшнимиз
Пулат Гадоев хотирасига

Сени кӯрдим тушимда,
ортга қайтиб келибсан,
Сени эслаганим билиб раҳмат
айтиб келибсан,
Меҳр билан менга боқиб
остонамда турибсан.
Остонаси тиллодан жойга
борган укам-о!
Осмондаги ой ҳам қолиб,
ойга борган укам-о!

Савол берсам, ўйлаб жавоб
берганингни эсладим,
Ерга қараб хаёл суриб
турганингни эсладим,
Кўнглимдаги уйларимни
билганингни эсладим.
Билиб-билиб бировга суз демай
кетган укам-о!
Орзулари юрагида армон
ўтган укам-о!

Иродангни пулат десам,
 пўлатдан зўр экан-ку!
 Бу дунёнинг инсонлари
 олдингда ғўр экан-ку!
 Аллоҳимнинг оstonаси
 сен учун тўр экан-ку!
 Тўрда туриб талтаймаган
 тахти баланд укам-о!
 Савоб ишга садқа жони
 аҳди баланд укам-о!

Йиллар ўтар, ёдингни ёд этар
 опанг бўларман,
 Тушларимда сени яна кутар
 опанг бўларман,
 Сенга атаб янги шеърлар битар
 опанг бўларман,
 Шерлар битар опангни-ё,
 ташлаб кетган укам-о!
 Хосиятинг кўзларини
 ёшлабкетган укам!



ҚАДАМЛАР

Боғ яратсам булбуллари
Шуҳ бўлса, бисёр булса.
Бир томони мевазору
Бир томон гулзор бўлса.

Гулларимнинг ифоридан
Ором олса одамлар.
Боғимдан ҳеч узилмаса
Катта-кичик қадамлар.

Айтинг, ёлғиз дарахтдан боғ
Булгаймидир дустларим?
Ёлғизликда кўнглингиз ҳеч
Тулгаймидир дустларим?

Ёлғизликдан гап очмангиз
Бирга бўлинг, боғ бўлинг.
Боғимиздан баҳра олиб
Доим кўнгли чоғ бўлинг.

Қадамлар, бу қадамлар
Қутлуғ, дадил қадамлардир.
Хосиятнинг умидини
Узманг азиз одамлар!

Боғ яратсам...

Ана тандир бошида
Онажоним нон ёпар.
Нон дейману аслида
Жонимга дармон ёпар.

Муздек сувга ботириб
Еганда асал дейман.
Тўйиб-тўйиб есангиз
Булмайсиз касал дейман.

Кунгилга урмагай ҳеч,
Егинг келар эрта-кеч.
Ушоғин нобуд қилма,
Нонда бордир катта куч.

Тандирларни тўлдириб
Онажонлар ёпсин нон.
Куёшдек кузни олиб
Пишаверсин буғдой нон.



УМР ЎТМОҚДА

Қалбим осмонида чарх урар ўйлар,
Юрагим маъюс бир навони куйлар,
Маъюсликлар аро, наволар аро,
Ҳаёт деб аталмиш эҳсондан суйлар:
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Болалик, ёшлигим ўтмишдир эй воҳ,
Ҳаёт сабоғидан этмишдир огоҳ,
Кимдир ўз дўстига қазимоқда чоҳ,
Имонсиз яшамоқ энг оғир гуноҳ –
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Юрагимга таскин берар сокин тун,
Беш кунлик дунёда ғурбат не учун,
Ҳавойи гаплар-чи мисоли тутун,
Бунни кеч бўлса-да билармиз бир кун,
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Сирли ҳаволарнинг сирли нафасин,
Тингларман оҳиста муҳаббат сасин,
Тингла, ёз Хосият, кузларинг толсин,
Сендан бу дунёда муҳаббат қолсин,
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Соғиниб-соғиниб ўтмоқда йиллар,
Кимдир савоб дея, ким гуноҳ қилар,
Охир поёнига етганда йўллар,
Ва бордир умидим Аллоҳим қўллар,
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

НЕЛАРНИ ИСТАЙСАН

Тузган режаларнинг ипи узилар,
Сохта такаллуфдан кўнгил бузилар.
Қўзларнинг тубида ёлғон сезилар,
Неларни истайсан, кўнгил неларни.

Фойданг тегар бўлса, дўстинг бўлади,
Ноилож қолсанг гар сендан кулади.
Гуноҳлигин билиб, гуноҳ қилади,
Неларни истайсан, кўнгил неларни.

Яхши яшасанг ҳам кўролмайдилар,
Қийналсанг ёрдам ҳам беролмайдилар.
Уз йулини билиб юролмайдилар,
Неларни истайсан, кўнгил неларни.

Навоий навоси минг йилдан ўтар,
 Нодира ноласи юрагим титар.
 Сенинг оҳинг кимга, кимларга етар,
 Неларни истайсан, кўнгил неларни.

Ёнгин эй Хосият, олов бўлиб ён,
 Меҳр ўт бўлса гар қалов бўлиб ён.
 Токи яшар экан вужудингда жон,
 Неларни истайсан, кўнгил неларни?..

ТИЛАНЧИ

Яшамокдан маъно йўқдир
 Уйда тинчлик бўлмаса.
 Қадр-қимматингни агар
 Яқинларинг билмаса.

Меҳр деган тўртта ҳарф ҳам
 Тўрт мучангдек керакдир.
 Шу тенг суз учун урган,
 Биттагина юракдир.

Қуёш қурмаган ут-улан
 Ранглари ҳам сомондир.



Эътибордан четда қолган
Сомондан ҳам ёмондир.

Кунгил деган бу кулбага
Сийму зар даркор эмас.
Ёмғир устиргай гулларни,
Қишда ёққан қор эмас.

Бу дунёда инсонларнинг
Ҳар нарсаси бор булар.
Вақти келиб, кутмаганда
Бир нарсага зор булар.

Замон ўтар, инсон яшар
Меҳрга зор тиланчи.
Тиланчининг бошини бир
Меҳр билан силанг-чи!



МЕН ТОШЛАРНИ СУЯМАН

Майда, майда, майда тош
Оёғимга ботдинг-а!
Майда, майда, майда тош
Бунчаларам қотдинг-а!

Урилибми, сурилиб
Қайларданам келдинг сен?
Келиб, келиб кутмаган
Сирдошгинам булдинг сен.

Куксим ичра сен каби
Қотиб қолган нарса бор.
Кўнгил йулидан кетмай
Ботиб қолган нарса бор.

Юмшоқ эди тупрокдан
Қадрин билмай қотди у.
Ишонч деган илинжнинг
Азобини тотди у.

Болалик чоғларимда
Уқиганим – «Ёрилтош».
Сен ҳам менга дардингни
Айт азизим, ёрил тош!

Баланд тоғлар, бошидан
Айт, юмалаб тушдингми?
Ё тепкилар зарбидан
Шу ҳолатга тушдингми?

Суз ҳам демай жимгина
Яна қотиб турибсан.
Балки, менинг қалбимда
Узлигингни курибсан...

Йул четига авайлаб
Аста олиб қуяман.
Бағритош одамнимас
Мен тошларни суяман!



ҚАРАШЛАР

Қалб ойнаси эрур
Кўзлардир, кўзлар.
Улар тилсиз аммо
Юракдан сузлар.

Минг бора яширма
Уринма бекор.
Тилингаги ёлғон
Кўзларда ошкор.

Кўзлар бор меҳрдан
Ёниб туради.
Кўзлар бор калтаксиз
Сени уради.

Кузлар бир боқишда
Сени лол қилар.
Гоҳида ўлдириб,
Гоҳи бор қилар.

Қарашлар, қарашлар,
Минг хил қарашлар.

Кузларга чин дилдан
Кулмоқ ярашар.

АЛЛОҲИМ БЕРГАН ҲУСН

Усма қуйган қизларни
Жуда яхши кўраман.
Ёшлигимга кайтсам деб
Ҳавас қилиб юраман.

Узун сочли қизларни
Курсам кузим қувонар.
Шаршарадек қирқ кокил
Кузни олиб тўлғонар.

Нимагадир узун соч
Қизлар камайиб қолди.
Не сабабдин қўлига
Қизлар қайчини олди.

Бир ҳуснга ун ҳусн
Қўшиб турар соч ахир.

Сочингизга бунчалар
Бўлманг қизлар тошбағир.

Ҳамманинг диди ҳар хил
Буни ақлим сезади.
Узлигини унутиш
Юрагимни эзади.

Азизларим бу сўзим
Сизга каттиқ тегмасин.
Аллоҳим берган ҳусн
Оёқ ости бўлмасин!

БУНИ ҲАММА БИЛАДИ

Бир қанот қуш учмагай,
Самоларни қучмагай,
Илк муҳаббат ўчмагай,
Буни ҳамма билади!
Кимлар амал қилади?

Яхшилик савоб бўлар,
Бир куни жавоб бўлар.
Қилмишингдан топ бўлар...

Буни ҳамма билади!
Кимлар амал қилади?

Ватаним бахтим дерлар,
Тенги йўқ тахтим дерлар.
Содиқлик аҳдим дерлар,
Буни ҳамма билади!
Кимлар амал қилади?

Жигар жонингдек азиз,
Танда қонингдек азиз,
Бу сўз қанчалар лазиз.
Буни ҳамма билади!
Кимлар амал қилади?

Қушнинг қариндошдан зўр,
Ишонмасанг синаб кўр,
Туғри юриб, тўғри тур!
Буни ҳамма билади!
Кимлар амал қилади?

Хосият боқ ўзингга,
Жавоб бергил сўзингга.
Айтгил ўғил-қизингга:
Буни ҳамма билади!
Кимлар амал қилади?

ЯШАМОҚ КЕРАК

Дор устида турибман,
Кўзни юмиб юрибман...
Йиқиламан ёки йўқ
Буни қайдин билибман?

Йиқиламан демайман,
Йиқилмайман демайман,
Такдир кўлимда бўлса
Бу дунёга келмайман.

Ногоҳ ўчмоқда чироқ
Орзудан кетдим йироқ
Нурсиз яшашдан кўра
Йиқилганим яхшироқ.

Кўрқув билмаган юрак
Сенга ўзи не керак?
Керак бўлсанг агарда
Демак яшамоқ керак!

Дор устида турибман...



ДЕМАСМАН

Қоқилганни кўрардим,
Аста четдан юрардим,
Қочишга улгурардим,
Айтардим: менга нима,
Айблама, сенга нима...

Қушним касал бўлганда,
Ёрдам сўраб желганда,
Кўзимга термулганда,
Дегандим: менга нима,
Айблама, сенга нима...

Ташвиш тушиб бошига,
Дўстим келди қошимга,
Тегиб кетди ғашимга,
Дегандим: менга нима,
Айблама, сенга нима...

Автобусда кексалар
Ёнгинамда турсалар,
Жойингни бер десалар,
Айтардим: менга нима
Айблама, сенга нима...

Оёғим тошга тегди,
Тош учиб бошга тегди,
Узун тил тишга тегди,
Демасман: менга нима!
Демасман: сенга нима!

ДУНЁ

Олис-олисларда юлдуз милтилар,
Юракни оғир дард зўғилаб тилар,
Кимдир йиғлаганда кимлардир кулар,
Бу қандай дунёдир, бу қандай дунё?

Дўстинг сени сотиб қасам ичадир,
Давлатинг бўлмаса сендан кечадир,
Ҳақсизликдан баъзан уйқум қочадир,
Бу қандай дунёдир, бу қандай дунё?

Нимага интилсанг шу сендан қочар,
Солимлар йўлини нодонлар очар,
Лўттибоз осмонда қанотлаб учар,
Бу қандай дунёдир, бу қандай дунё?

Биров фарзанд дея зор-зор йиғлайди,
Биров ташлаб кетиб бағрин тиглайди,

Бир кун келиб армон билан йиғлайди,
Бу кандай дунёдир, бу кандай дунё?

КЎНГИЛ ҚЎЙДИМ

Кўнгил қўйдим, эй Аллоҳим ўзингга мен,
Муҳаббатим айтолмайман юзингга мен,
Сен бор жойда қайтолмайман изимга мен
Сен, Сен, Сендан булак севганим йўқ,
Юрагимда Сендан ўзга деганим йўқ.

Етиб бўлмас осмон бўлсанг етиб борай,
Ширин жондан кечиб руҳим элтиб борай,
Йўлларингга Сенга ғазал айтиб борай.
Сен, Сен, Сендан булак севганим йўқ,
Юрагимда Сендан ўзга деганим йўқ.

Кимлар дунё, кимлар обрў деб чопарлар.
Муҳаббат деб сароб эшигин ёпарлар...
Манзилига кетар чоғи не топарлар?
Сен, Сен, Сендан булак севганим йўқ,
Юрагимда Сендан ўзга деганим йўқ.

Хақ йўлидан тоймагил гар
 минг азобда қолсанг ҳам,
 Яхшилик айлаб ва лекин
 ёмон отлиғ бўлсанг ҳам,
 Бевафо дунё ичинда ёлғиз
 узинг қолсанг ҳам,
 Сунгги йул сунмас чироғинг
 жонингга жон оқибат.

Эй Хосият, инсонларнинг
 кўнглини шод айлагил,
 Шеърларинг-ла нур булиб кир,
 тунни барбод айлагил,
 Армонларинг, ашъорларинг
 ичра сендан берсин дарак,
 Дил боғин бунёд этарга
 мангу боғбон оқибат.



ИМОН АЗИЗ

Кеча-кундуз, туз, насиба-нон азиз,
Жисму жонингга қувват дармон азиз,
Донаси кўз гавҳаридек дон азиз,
Ризқи рузинг соҳиби деҳқон азиз.

Ота-онанг соябонинг ғанимат,
Тенги йўқдир меҳрибонинг ғанимат,
Бойлигинг, ҳам посбонинг ғанимат,
Ҳар сузини тингла, бу фармон азиз.

Тонгларини интиқ бўлиб кутарман,
Завқим келиб янги шеърлар битарман,
Боғларидан жаннат дея ўтарман,
Бир ўлкаки, замин у осмон азиз.

Ҳаётингдан бир кун қолган бўлса ҳам,
Дўстинг эмас, ҳатто душман бўлса ҳам,
Писанд қилмай юзларини бурса ҳам,
Яхшилик қил, қайтмагай имкон азиз.

Аввал севдим дея, ташлаб кетмагил,
Ишонтириб сунг шикаста этмагил,

Юрак битталигин сен унутмагил,
Хар кишида топилмас виждон азиз.

Аллоҳимга аён кўнглим сирлари,
Шеърларимга тукилсин кўз нурларим,
Эсласалар бир кун ўғил-қизларим,
Ёз Хосият, токи бу имкон азиз!

ХАТО ҚИЛМА

Яхши ошини ейди,
Ёмон бўлса бошини.
Яхшига равон йўлдир,
Ёмон терсин тошини.

Дўстингман деб юради,
Ёнгинангда туради.
Тойишингни сезса гар
Оёғингдан уради.

Оғир кунда қочади,
Сирларингни очади.
Фойда келар томонга
Қанот боғлаб учади.

Юзи хазонга ўхшар,
Иши ҳайвонга ўхшар,
Оллоҳимдан берилган
Беҳуда жонга ўхшар.

Хосият хато қилма,
Бесабаб нидо қилма,
Вафоси йўқ дўстингга
Жонингни фидо қилма!

ТУҒРИ СУЗ ЯХШИ

Бир оғиз гапирдим балога қолдим,
Душмандан дўстимнинг сабоғин олдим.
Бир оғиз гапирдим балога қолдим
Балога қолдиму, уйланиб қолдим...

Душман дўстиммикан айбим айтади?!
Дўстим душманмикан сўздан қайтади?!
Тўғрисин айтса гар билмам нетади?
Кўнгилдан шубҳа-ю, гумон ўтади...

Аччиқ бўлса ҳамки, тўғри сўз яхши.
Кўзларингга тўғри қарар куз яхши.

Хақиқий дўстлардан қолар из яхши.
Садоқат-ла яшаш умрнинг нақши!

Эй дўстим, душмандан олмайин сабоқ,
Юракка гумонлар солмасдан титроқ,
Айбимни айтақол, яширма бироқ.
Дунёда баридан ишонч кучлироқ!

Бир оғиз гапирдим...

КУЛИБ-КУЛИБ

(Ҳажвий шеър)

Дустингман деб қармоққа илдиргай
кулиб-кулиб,
Қўйнингни пуч ёнғоққа тўлдиргай
кулиб-кулиб.
Кузларига разм сол, ҳийласини
сезарсан,
Кунглида не борлигин билдиргай
кулиб-кулиб.

Сузларидан бол томиб у ён-бу ёндан
ўтар,
Парвона бўлиб доим қўлингга қадах
тутар,
Тулкидек юз товланиб инсонлигин
унутар,
Фурсат ғанимат қорнин тўйдиргай
кулиб-кулиб.

Чўнтакда червонингни чўғини кузлар
доим,
Қандай олсам экан деб йўлини излар
доим,
Узини сен деса ҳам сени сиз-сизлар
доим,
Кунглингни олиб чунон улдиргай
кулиб-кулиб.

Сири ошкор булганда кулиб енгмоққа
тайёр,
Ҳазилга йуйиб доим чорасин топар
айёр,
Хосият бундайлардан булгин доимо
хушёр,
Йўлингга чуғ ташлабон куйдиргай
кулиб-кулиб.

УСТИНА (ҳазил)

Бораман десанг ёрим
Кутарман бош устина.
Гўшти майдалаб тўғраб
Қўярман ош устина.

Сени кутишга жоним
Тайёргарлик бошланди.
Қозоннинг қорасини
Суларман қош устина.

Йулларингда интизор
Бўлдим, ёмғирда қолдим.
Оёғимдан зах ўтди,
Турибман тош устина

Писта, бодом олиб кел,
Йўлда еб қўйма фақат.
Чақиб чиқай аламдин
Шунча «бардош» устина...



ИШОН ЁРИМ

Булбул сайрар сарви гулнинг шоҳида,
Тушларимга киргайдурсан гоҳида,
Унутайин деганларим беҳуда,
Ишон ёрим, сени соғиндим жуда.

Соғинганим сокин сой ҳам билади,
Сойда сузган тулин ой ҳам билади,
Курганимда ярим кунгил тулади,
Ишон ёрим, сени соғиндим жуда.

Қарашларинг қароғимда қолди-ку,
Муҳаббат-ла юрагимни олди-ку,
Ҳижрон деган бир қафасга солди-ку,
Ишон ёрим, сени соғиндим жуда.

Қишдан кейин баҳорларни кургайман,
Тундан кейин саҳарларни кўргайман,
Висолингнинг хаёлида юргайман,
Ишон ёрим, сени соғиндим жуда.



БИР КУНИ

Кўнгил сезадур келгайсан қошимга
 сен бир куни,
 Раҳм айлаб кўзларимда ёшимга
 сен бир куни.
 Сабрларим саробига
 йўл қўймасинг истарам,
 Бахт тожини кийдиргали бошимга
 сен бир куни.

Ушал бир кун сочларимнинг
 толаси тол бўлгайдур,
 Кўнгил туманлари тарқаб
 феруза ҳол бўлгайдур,
 Қошингда суз тополмасдан
 забоним лол бўлгайдур,
 Истагайман келтиргайсан ҳушимга
 сен бир куни.

Ҳижрон занжири узилиб
 висол боғи очилгай,
 Соғинчларим йўлларингда
 чаман бўлиб сочилгай,

Хайёмни ҳайрон қолдирган
кўнгил майи ичилгай,
Огоҳ этиб киргайдурсан тушимга
сен бир куни.

Хосиятнинг хаста кўнгли
табибига зор бўлди,
Умидларим узмай кўнгил
тунларим бедор бўлди,
Висолингнинг хаёлида
ёзганим ашъор бўлди,
Айлангайсан кўнгил сўрар
кишимга сен бир куни!

ТОР КУЧА

Тор куча-ю тор куча,
Тор кўча бедор кўча.
Тор кўчанинг бошида
Севар ёрим бор кўча.

Хатлар ёздим бир талай,
Қай бир дўстимдан берай.

Назарига оларми
Ул кўзлари қуралай.

Совға берсам созмикан,
Ишвалари озмикан.
Кўнглини билолмадим
Баҳормикан, ёзмикан?

Кута-кута толмайман,
Қароримдан қолмайман.
Шу гўзалдан ўзгани
Не қилай севолмайман.

Кўчасидан ўтарман,
Тонг отгунча кутарман.
Бир кун севиб қолар деб
Кўнглимни шод этарман.

Тор куча-ю тор кўча,
Тор куча бедор куча.
Тор кучанинг бошида
Севар ёрим бор куча.



АЛДАМА

Ёлғонлардан безди юрагим,
Яна ёлғон сезди юрагим,
Алдаш эмас менинг эрмагим,
Азизгинам мени алдама.

Тўғрисини айтгил юзимга,
Алдасдан қара кузимга,
Эътибор қил айтар сўзимга,
Азизгинам мени алдама.

Ёлғончига ёр бўлгим келмас,
Ёлғончига зор бўлгим келмас,
Ёлғончига хор бўлгим келмас,
Азизгинам мени алдама.

Бу дунёдан кимлар ўтмаган,
Ким кимларни алдаб кетмаган,
Аммо муродига етмаган,
Азизгинам мени алдама.

Ёлғон дунё дерлар биламан,
Алданганим билиб куламан,

Нахот ёлғон билан уламан,
Азизгинам мени алдама.

СЕН БУЮКСАН

Висолингни ваъда этсанг,
Минг йил сабр этгумдир.
Қаламимдан айрилсам гар
Қоним-ла шеър битгумдир.

Мен чиққанман уша йўлга
Борса келмас бўлса ҳам.
Дийдорингга талпинарман
Қанотларим куйса ҳам.

Игна билан қудуқ қазсам
Армон қилмасман асло.
Ҳаётимнинг сўнгида ҳам
Демагайман алвидо.

Армонларим, исёнларим
Тутай сенинг қулингга.
Сўнмас ишқни солиб қўйдинг
Ғарибгина кунглимга.

Бу азобли соғинч дилга
Роҳат берса нетайин.
Мажнун булиб куйингда мен
Саҳроларга кетайин.

Эй муҳаббат, Сен буюксан,
Буюклардан, буюкроқ!
Сенсиз юрак юрак эмас,
Тухтагани яхшироқ!

...

Тун. Сокин бағрига тортиб кетади,
Ширин хаёлларни этади тортиқ,
Юракка мунис бир ғазал битади,
Сенинг нигоҳингни кўрарман интиқ.

Курарман, сўрарман мени ҳам жоним,
Соғиндингми дея мен каби интиқ.
Соғинсанг, соғинсанг бутун дунемни,
Қулларим-ла этсам ўзингга тортиқ.

Соғинмаган булсанг, соғинмасанг-да
Сенинг шу дунёда борингга шукр

Сенинг хаёлингдан, озорларингдан
Минг йилга татийди шу қисқа умр.

Тун. Сокин бағрига тортиб кетади...

БИР МУҲАББАТ ТАРИХИ

Ўтган эмас, шу замон,
Дилларда армон ҳамон...
Ул муҳаббат савдоси,
Ул муҳаббат ғавғоси.
Икки ёшнинг кўнглида,
Кўнглида, ҳам йўлида.
Машъаладек ёритган,
Армонларин аритган,
Муҳаббати бор эди
Юракда такрор эди.
Баҳор чечаги мисол,
Ой каби соҳибжамол.
Дунё гузал куринар,
Икки кўнгил севинар.
Бу дунёнинг бахтидан
Қайтмас эди аҳдидан.
Кунлар, ойлар утса ҳам,

Ва бир умр кутса ҳам.
Қайтмас эди сузидан,
Ишқ ёнарди кўзида.
Кунлар шундай утарди
Тунлар шундай ўтарди.
Не тақдирда кутганин,
Аллоҳ нени битганин,
Билолмас ҳеч бир инсон
Дилда орзуси пинҳон.
Шундай қилиб ул йигит -
Парвозга шайдек бургут
Хизматга бел боғлади,
Қиз қалбини доғлади.
Йигит: - кутасанми, - дер,
- Хатлар битасанми, - дер.
Қиз-чи жавоб айтолмай,
Ердан кузин ололмай,
Қалбдаги юлдузига,
Кеча-ю кундузига
Суз тополмай лол эди,
Гуёки беҳол эди.
«Кутама» - деди фақат
Дилда севгиси қат-қат.
Оқ йўл тилаб қолди ул,
Кулида бир даста гул.

Кузатаркан ёрини,
Ёлғиз вафодорини.
«Ой бориб омон кел» – дер,
«Қалбимга дармон кел» – дер.
Айро кунлар бошланди,
Баъзан кўзлар ёшланди.
Кунлар, ойлар ўтарди
Қиз соғиниб кутарди.
Йигит ёзарди хатлар
Ишончу муҳаббат-ла.
Оплоқ кабутар мисол
Қизнинг жавоби шамал
Булиб етар йигитга,
Парвоздаги бургутга.
Кунлар шундай ўтарди
Тунлар шундай ўтарди.
Қиз мактубининг бири
Мактуби – кўнгил сири.
Бир нобакор қўлига,
Унинг ифлос йулига.
Тушиб қолди ногаҳон
Ўқиди ул бегумон.
Ва уйга толиб қолди
Қиз хатин олиб қолди.
Яхшилик чиқмас дилдан

Қиз хати эса қўлда.
Турарди жавоб излаб
Кафасда қушдек бузлаб.
Шунда қора юракка,
Иши зиён билакка.
Келди қатъий бир фикр,
Қоғозга қилди зикр.
Қизнинг номидан ёзди.
Ёзибон ақлим озди:
«Севмайман» – деди, – сени».
«Энди унутгин мени».
«Сўзларим ёлғон» – деди.
«Хатларим ёлғон» – деди.
Қилган ишидан мағрур,
Бўлиб узича масрур.
Хатни почтага солди,
Ортидан кулиб қолди.
Қулдан-қўлга ўтиб хат
Йигитга етди бир пайт.
Уқиганда ул хатни,
Мисоли «қора хат»ни.
Солдат хаёлга толди,
Бошини қуйи солди.
Ғурури поймол бўлган,
Орзуси армон бўлган

Йигитман деб ўйлади,
 Ўз-ўзига сўйлади.
 Ва келди бир қарорга.
 Ёлғончи «вафодор»га
 Дардини тўкиб солди,
 Дилда аламин олди.
 Менинг кўнглимни эрмак
 Қилган экансан, демак...:
 «Мен сендан кечдим» – деди,
 «Қасам-да ичдим» – деди.
 Хатни ёзди-ю бироқ
 Юракда турди титроқ!
 Қиз қўлида хат турар,
 Хат эмас даҳшат турар.
 Ишонмайди кўзига,
 Келолмайди ўзига.
 Таърифсиз ҳолга тушди,
 Мушкул аҳволга тушди.
 Осмону ер бир бўлди,
 Кўзи очиқ кўр бўлди.
 Йигит қайтди хизматдан
 Булиб ҳурмат-иззатда.
 Солдат тўйи бошланди,
 Она кўзи ёшланди.
 Келиб-кетди меҳмонлар,

Йиғилди дастурхонлар.
Кунлар ҳам ўтди бир-бир,
Йигит кўнглидаги сир.
Узига аён эди...
Борсин у қаён энди?
Туну куннинг фарқи йўқ,
Юрак мисоли бушлиқ.
Ҳис қилмас қувонч-ғамни,
Қайдан топсин малҳамни?
Кунлар шундай ўтарди,
Тунлар шундай ўтарди.
Йўл бошида бир куни,
Учратиб қолди уни.
Тилсиз бошга айланди,
Соғинч ёшга айланди.
Бир оғиз сузласа бас,
Фурур бунга йул қўймас.
Талпинарди юраклар,
Бир эди-ку тилаклар.
Тошга айланма инсон,
Бун қилган бир нодон
Эканлигин билсайдинг,
Ҳайвонлигин билсайдинг.
Бахтингдан, баҳорингдан,
Ёлғиз вафодорингдан

Кул силтаб ўтмас эдинг,
 Кулларин тутмасмидинг.
 Бундай бўлмади афсус,
 Айтилмади бирор сўз.
 Узга бўлди қадамлар –
 Унутилмас бу дамлар?..
 Шундай қилиб икки дил,
 Икки севишган кунгил.
 Айрилдилар умрбод,
 Севгиси булиб барбод...
 Ёлғон дунё чарх урар,
 Номард ёнингда турар...



СЕЗАРМИКИНСАН

Узун тунлар ўйлаб қоларман,
Ўз-ўзимга сўйлаб қоларман,
Соғинганда йиғлаб оларман,
Севганимни сезармикансан?

Умидларим самода порлар,
Ўксинма деб ўзига чорлар,
Юрагимни эзади зорлар...
Севганимни сезармикансан?

Курганимда куйиб кетарман,
Соянгни ҳам суйиб кетарман,
Уша тенгсиз сўзни кутарман –
Севганимни сезармикансан?

Тушларингда курсам узимни,
Изларимда курсам изингни,
Айтолмайман айтар сүзимни –
Севганимни сезармикансан?

Тонг юлдузи таратар нурлар,
Гул баргида товланар дурлар.

Хосиятли ният қил дерлар:
Севганимни сезармикансан,

Умрим боғин безармикансан?

СЕН БОР ЖОЙДА

*Ўзбекистон халқ артисти
Ғуломжон Ёқубов тилидан*

Гуллар чаман бўлгайдир,
Олам нурга тўлгайдир,
Қўшиқ айтгим келгайдир,
Сен бор жойда азизам,
Сен бор жойда.

Сўзсиз сузлаб қоламан,
Ишқдан баҳра оламан,
Куйланмаган ноламан,
Сен бор жойда азизам,
Сен бор жойда.

Ихтиёрим қўлингда,
Муҳаббатим дилимда,

Айтолмайман тилим-ла,
Сен бор жойда азизам,
Сен бор жойда.

Ҳушим ўзимда эмас,
Сўзларим чин, ҳазилмас,
Ўзимдан ўзга билмас,
Сен бор жойда азизам,
Сен бор жойда.

Ғуломжонинг ғам этмас,
Кўнглига ситам етмас,
Ўтинчим сен ҳам кетма
Мен бор жойдан азизам,
Мен бор жойдан!

МУҲАББАТ СЕН

Муҳаббат сен қалбимда ёнган
Ғазалимсан, илҳомим ўзинг.
Хаёлимни мафтун айлаган
Юлдуз тўла осмоним ўзинг.

Муҳаббат сен армонларимни
Яратган ҳам, таратган зиё.



Сен қалбимда очилмаган гул
Етолмаган хаёлий рўё.

Муҳаббат сен ташвишли онлар
Мададкорим, суяб турганим.
Умидсизлик қийнаса дилни
Асраганим, аяб турганим.

Муҳаббат сен соғинч қасрининг
Шоҳи бўлиб асир айлаган.
Ўхшаши йўқ сехрли торни
Юрагимга мангу жойлаган.

Муҳаббат сен сўнгги нафасим
Олар чоғим ичар булоғим.
Ва сўнгги йўл сари кетганда
Элтиб борар ширин қийноғим.

Жаннати боғим...



...

Кузларингда сеҳр бор,
Кӯзларингда меҳр бор,
Кузларингда бир сир бор,
Кургим келаверади.

Кӯзларингда қаҳр бор,
Кӯзларингда жабр бор,
Кӯзларингда сабр бор,
Кургим келаверади.

Бу кузларда ўт ёнар,
Сабрли сукут ёнар,
Қалбда меҳр уйғонар,
Кургим келаверади.

Соғинадир юрагим,
Қайлардасан керагим,
Минг кузлардан бўлагим,
Кургим келаверади



Бу дунёга сиғмай кетдим
Янганг ёр-ёр айтган кун.
Бу дунёга сиғмай кетдим
Тўйингдан ер қайтган куним.

Бу дунёга сиғмай кетдим
Туним бедор ўтган куним.
Бу дунёга сиғмай кетдим
Сенга ғазал битган куним

Сиғмай, сиғмай, санғиб, санғиб
Қаерларга борадурман?
Қалам бир-ла қоғоз ичра
Йиғлаб юрган чорадурман.



ТУРНА ҚЎШИҒИ

Турналарим, турналар
Кетмоққа чоғланибсиз.
Айтинг менинг қалбимга
Бунчалар боғланибсиз.

Қувноқ болалигимга
Қайтарман сизни курсам.
Уша завқли қўшиқни
Куйларман сизни кўрсам.

Гилам бўлинг турналар,
Арқон булинг турналар.
Мусаффо осмонимга
Посбон бўлинг турналар.

Куклам чоғи олисдан
Келсангиз саф-саф бўлиб.
Тингларман сайрашингиз
Қалбим қувончга тулиб.

Гилам бўлинг турналар,
Арқон бўлинг турналар.
Мусаффо осмонимга
Посбон бўлинг турналар!



КУЗ ЯПРОҚЛАРИ

Сокин-сокин куз чоғлари
 Ёлғиз кезгим келади.
 Маъюс-маъюс хазонлардан,
 Мунчоқ тизгим келади.

Сариқ ранги ёқтирмасман,
 Кузни севарман бироқ.
 У япроқмас, у хазонмас
 Қалбдан узилган титроқ.

Уз шохига қуя олсам,
 Узгартириб рангини.
 Бемеҳр куз шамоллари
 Олиб кетса чангини.

Умид билан куртак ёзиб
 Интилган у қуёшга.
 Фурсат ўтмай куз ҳам келиб
 Улгурибди бўяшга.

Яна, яна яшагйси
 Келар ахир япроқнинг.

Қай бир малҳам-тухтатади
Юракдаги литроқни.

Бу титроқдан, бу исёндан
Юрак келди жунбушга.
Кошки эди шу кунларим
Айланиб қолса тушга.

Армон деган бир ниҳолни
Қўкартириб кетдинг сен...
Куртак ёзган япроқларни
Ўзгартириб кетдинг сен...

Илдизи-ла отсам дейман...
Баъзан келиб алашим...
Нетай эй воҳ, шу дарахтдан
Топдим яна малҳамим...

Митти куртак умид билан
Интиломда қуёшга.
Ёлвораман мусаввир куз...
Қўл урмагил бўяшга...

ШАББОДА

Шаббодажон, шаббода
Айланасан ҳавода.
Елпиғичинг йўқотиб
Қўймадингми мабода?

Кўринмасдан қарайсан,
Сочларимни тарайсан.
Кутилмаганда келиб
Аҳволимни сурайсан.

Сен келганда ғамларим,
Ғуссаю аламларим
Унутилар барчаси.
Сен-ла ширин дамларим...

Осмонлардан айланиб,
Келсанг сенга бойланиб
Елпичинг булишни
Истадим мен шайланиб.

Оҳ, шаббода, шаббода
Айланмасдан ҳавода,
Келақол қучоғимга,
Ўзинг дилга даво-да.

Ку-кулайсан сайрайсан,
Ўз-ўзингча яйрайсан.
Нималар деб куйлайсан?
Мусичам, беозорим,
Миттигина жониворим.

Бу наво бунча гўзал,
Ухшаши йуқ бир ғазал,
Сенга шайдоман азал,
Мусичам, беозорим,
Миттигина жониворим.

Сайрашинг дилга малҳам,
Унутилар барча ғам,
Соғиндим-ку жуда ҳам,
Мусичам, беозорим,
Миттигина жониворим.

Отам эккан боғ қани?
Мендек кўнгли чоғ қани?
Мусичали шох қани?



Болалик беғуборим,
Миттигина жониворим.

Боғ яратдим келгин деб,
Соғинганим билгин деб,
Мендан рози булгин деб.
Сайра сехрли торим,
Мусичам, беозорим.

Осмонимни берайин,
Сенга донлар терайин,
Сайра эркам, тинглайин,
Мусичам, беозорим,
Миттигина жониворим.



ЎЗГИНА

Ўзгина-ё, ёзгина
Хуморимни ёзгина.
Иссиққина тафтингдан
Бергил менга озгина.

Момо ерни қиздирган
Куёшингдан ўргилай.
Меваларни минг рангга
Буяшингдан ўргилай.

Қишнинг қилиғи бошқа,
Баҳорнинг баҳоси йўқ,
Ёзда ёруғдир осмон,
Куздан эса кўнгил тўқ.

Фаслларнинг ичида
Устун сенсан дейман.
Офтобингда етилган
Буғдойингдан нон ейман.

Ажриқларнинг устида
Яланг оёқ юраман.
Кучаларнинг чангида
Болалигим кураман.

Жилғаларнинг юзида
Юмалайди мунчоқлар.
На мунчоқлар дедим-а
Кўнглимга овунчоқлар.

Ҳамма-ҳаммаси учун
Раҳмат сенга ёзгина!
Хосият таърифингни
Мақтади бир озгина.



ҚОР ЁҒСИН

Авжи қишда нега илиқ бўлади?
Авжи қишда офтоб нега кулади?
Аллоҳимдан қор бергил деб сўрадим!
Қор ёғсин-э, қор ёғсин-э, қор ёғсин!

Тарновларда жилва қилсин сумалак,
Болалар шод уйнасинлар музғалак,
Деразамга нақшин чизиб гул-палак,
Қор ёғсин-э, қор ёғсин-э, қор ёғсин!

Хаволарга кутарилсин ғуборлар,
Оппоқ қорга тўлиб-тошсин анҳорлар,
Шифо топсин Аллоҳ деган беморлар,
Қор ёғсин-э, қор ёғсин-э, қор ёғсин!

«Ер тўйса, эл тўяр» халқим нақли бор,
Қишдан озуқасин олармиш баҳор,
Урик гулларининг барглари мисол,
Қор ёғсин-э, қор ёғсин-э, қор ёғсин!

Қоринг бергил, қиш бўлсин-а, қиш бўлсин,
Қиш фаслига ярашиғлиқ иш бўлсин,
Қорни соғинганлар кунгли хуш бўлсин,

Қор ёғсин-э, қор ёғсин-э, қор ёғсин,
Кўнглимизни этиб беғубор ёғсин!

СИРЛИ ДУНЁ

*Ўзбекистонда хизмат
курсатган артист
Санобар Каримовага*

Ёнингизга боришга мен
Ботинмасдим бир замон.
Энди эса меҳр билан
Дегайман дугонажон.

Сирли дунё сирларига
Етолмайин толаман.
Ботинмаган кишимни мен
Кўп соғиниб қоламан...



СОҒИНИБ


Хонанда Дилдора Ниёзова тилида

Орзуларим ошкор этай бир бора,
Нолаларим манзур бўлса деб зора,
Сехрли бир садо ичра ёнарман,
Кўнглингизни топмоқ учун овора.

Оворалар бўлай майли сиз учун,
Дуонгизга мушток бўлган қиз учун,
Она халқим берган нону туз учун,
Юрагимдан эшилмоқда бир нола.

Соз навоси дилингизни шод этсин,
Мисли баҳор камалаги ёд этсин,
Орзуларнинг боғини бунёд этсин,
Боғингизга бўлсин жоним садпора.

Олис осмон фарзандидир юлдузлар,
Сездирмасдан утар кеча-кундузлар.
Кеча-кундузларда ёдимдасизлар,
Сизларни соғиниб куйлар Дилдора.



УЙЛАР

Салқин-салқин куз шамоли
 сочларимни чулғатар,
 Юрагимда ҳаяжонми,
 ажиб сеҳр уйғотар.
 Ўтиб борар кунларимни
 шамол дея ўйласам,
 Қайтиб келмас лаҳзаларим
 юрагимни ўйнатар.

Умр ўтар шошиларман
 мендан нима қолди деб,
 Кимлар мендан ёмонликми,
 ё яхшилик олди деб,
 Қалбда қанча ёсолмаган
 мисраларим қолди деб,
 Меҳр номлиғ жонбахш туйғу
 не учун йўқолди деб.

Инсон ўтар бу дунёдан
 юлдузлару ой қолар,
 Етиб бўлмас чўққилару
 ул оромбахш сой қолар,
 Кунгилга илҳом бергувчи
 субҳидам чирой қолар,
 Хотирангни эсламоққа
 юракларда жой қолар.

Тилакларнинг тоғи узра
 яшнасин гул-чечаклар,
 Гул-чечаклар мадҳига булбул
 хуш овоз истарам.

Куз очиб, ғунча ногаҳон
 булбулни шод айласин,
 Шабнами ёши ила изҳори
 иждод айласин,
 Суҳбати соз ўлтириб дил ўйин
 обод айласин,
 Обод этарга музлаган юракка
 ёз истарам.

Хосият! Келдинг ҳаётга,
 кетмагингдин не маъно?
 Бутун туриб, эртани сен
 кутмагингдин не маъно?
 Бу ҳаёт ичинда шеърлар
 битмагингдин не маъно?
 Кўнгил калити бирла Қиблаи
 мумтоз истарам!
 Суҳбати соз истарам...



ҚАЙНАВЕРГИН ҚАЛБИМДАГИ БУЛОҒИМ

Эй сен, тоза кунгилларни
Ғуборлардан ювгали.
Армонларни, гумонларни
Юраклардан қувгали.
Муҳаббату меҳрга сен
Посбон бўлиб тургали.
Эрта тонгда ёруғликка
Умид-ла интилгали,
Қайнайвергин қалбимдаги булоғим

Орзуларинг ниҳолини
Кўкартириб осмон қил.
Яхшилиқни, тантилиқни
Тилингда сен дoston қил.
Шеърятнинг боғларини
Яшнатавер, бўстон қил.
Ташна диллар қониб ичсин,
Малҳаминг-ла дармон қил.
Қайнайвергин қалбимдаги булоғим

Сен қалбимдан қуйилган бир
Муҳаббатим, бахтимсан.

То дунёга келибманки
Юракдаги аҳдимсан.
Умид бирла қадам босган
Ишончимсан, шахтимсан.
Сийму зарни писанд қилмас
Бойлигимсан, тахтимсан.
Қайнайвергин қалбимдаги булоғим.

Хосиятинг кутган эди
Кунгилдаги ёш билан.
Аламлару ситам бирла
Тоғ каби бардош билан.
Кечалари дардлашардим
Қаламим – сирдош билан.
Минг шукурким кўриндинг сен
Осмоним қуёш билан.
Қайнайвергин қалбимдаги булоғим.

ЖИЛҒА БУЛИБ

Дарёмасман – сокин оқиб
тутолмасман дунёни,
Денгизмасман – тулқинларим
қирғоқларга урилмас.

Жилға булиб яшнатолам
гулу чечак гиёни,
Ирмоқларим жуда кичик,
баъзан кузга кўринмас.

Жимирласам ташна диллар
ором олсин – орзуим,
Қайтмас умр лаззатини
бир дам менда кўрсалар
Садоқату оқибатни куйлашдир
менинг ўйим,
Соф кўнгиллар бир умрга
мен-ла бирга бўлсалар.

Ирмоқларим, фарзандларим
қайдан-қайга шошасиз,
Ёлғиз ўсиб қовжираган дарахтга
жон берингиз.
Ғарибларнинг ҳолин сўринг
юз ёшлардан ошасиз,
Иложсизга илинж булиб
дардга дармон булингиз

Тонги шабнам томчисида
кўргандирман қуёшни,
Қарс кунлар бағрим тилса
шеърим ила ювганман.

Истамасман меҳрни мен
 хушомад-ла бўяшни,
 Кичик бўлиб, кечик бўлиб
 шул ҳаётни севганман.

АЛЛОҲИМГА ШУКРОНА

Аллоҳ дея олдим қалам,
 Бошдан ўтди не бир ситам,
 Умид узмадим шунда ҳам,
 Ўзингни ёд этган куним.

Ночорликда ўтди бошим,
 Бемор бўлиб тўқдим ёшим,
 Йўқолди дилдан ташвишим,
 Ўзингни ёд этган куним.

Тош отдилар телба дея,
 Ёнимизга келма дея,
 Таскин бердинг куйма дея
 Ўзингни ёд этган куним.

Ёлғизликда кунлар ўтди,
 Баъзан ғамгин тунлар ўтди.

Юрак сени паноҳ этди,
Ўзингни ёд этган куним.

Юрагимга бардош бўлдинг,
Аро йулда йулдош бўлдинг,
Йўлимдаги куёш бўлдинг,
Ўзингни ёд этган куним.

Яхшиларга ёр қилдинг Сен!
Тилагимни бор қилдинг Сен!
Имонни шиор қилдинг Сен!
Ўзингни ёд этган куним.

Умр сувдек ўтиб кетар,
Яхши-ёмон кучиб кетар,
Ҳосият дунёни нетар
Ўзингни ёд этган куним.



ПОЙДЕВОР

Айтиб ўтар дамдаман,
Гоҳ орқа, гоҳ ёндаман,
Кўринмас гулхандаман,
Мен шундайин бандаман.

Уйламай сўзласа ким,
Асабим кўзласа ким,
Кетарман негадир жим,
Мен шундайин бандаман.

Қариндоши кўп, ёлғиз,
Орлиман-у, лек «орсиэ»,
Дорбозман лекин дорсиэ,
Мен шундайин бандаман.

Ёмонларга ёқмайман,
Яхшига гул тақмайман,
Юракдан ардоқлайман,
Мен шундайин бандаман.

Кимга пўлат, кимга занг,
Кимга тупроқ, кимга чанг,
Чумолига бир қаранг,
Мен шундайин бандаман

Шеърим мен-чун иморат,
Пойдевордан иборат,
Уэлигимга ишорат,
Мен шундайин бандаман.

Муҳаббат мовий фалак,
Мудом кўйида ҳалак,
Кутиб чақиндан дарак,
Мен шундайин бандаман.

Оппоқ қоғоз. Мен сени
жуда яхши кўраман,
Шу сабабли ёнимда
бирга олиб юраман.
Сенга кўнглим ёзгали
қалам олдим қулимга,
Оппоққинам, оро бул
ғарибгина дилимга.
Сен дарёсан, тубингга
изсиз сингиб кетаман,
Сен осмонсан, қанотсиз
хаёлим-да етаман.
Бир қулимда сен булсанг,
бир қулимда қаламим,
Армон деган душмандан
олгайдурман аламим.

СЕҲРЛИ БОҒ

Узгалар айтганин айтгим келмагай,
Қоқилган кўчамга қайтгим келмагай,
Ёзганларимдан ҳеч кўнглим тулмагай,
Қайтмасман, қайтмасман йўлимдан асло!
Қаламим қўймасман қўлимдан асло!

Сўзларим бировга ботиб кетса ҳам,
Уқимасдан четга отиб кетса ҳам,
Сиримни фош этиб, сотиб кетса ҳам,
Қайтмасман, қайтмасман йўлимдан асло!
Қаламим қўймасман қўлимдан асло!

Шу сеҳрли боғнинг чанги бўлайин,
Гулларин сояси, ранги бўлайин,
Эзғилаб ташласин хандон кулайин,
Қайтмасман, қайтмасман йўлимдан асло!
Қаламим қўймасман қўлимдан асло!

Умр утиб борар, сароб бўлмасин,
Бу дунёга учиб, хароб бўлмасин,
Биров билсин майли, биров билмасин,
Қайтмасман, қайтмасман йўлимдан асло!
Қаламим қўймасман қўлимдан асло!

Улуғлар йўлида ўлсам не ажаб,
Хушбўй ҳид таратиб сўлсам не ажаб,
Бу йўлни муқаддас билсам не ажаб,
Қайтмасман, қайтмасман йўлимдан асло,
Қаламим қўймасман қўлимдан асло!

Чорасиз қолсам гар шеърга суянгум,
Аллоҳимдан келган нурга суянгум.
Қаламимдан узга нега суянгум?
Бу йўлда қўркмасман ўлимдан асло,
Қаламим қўймасман қўлимдан асло!

...

Нега урмай қолдинг айтгил юрагим,
Кўнгил осмонингни тўсдим булут.
Садо бермасанг гар йўқдир керагинг,
Ғафлатдан уйғонгил, тушларинг унут.

Унутгил барчасин...Қайрилма ортга,
Армонларинг сенга отса ҳамки тош.
Қайта келдим дея боқгил ҳаётга,
Ана зулматдан сўнг чиқмоқда қуёш.



БАХТЛИ БОЛАМАН

Эрта тонгда уйғонганимда
Аяжоним кулиб туради,
Менга нима керак эканин
Дадажоним билиб туради.

Иккаласи икки қанотим –
Хаёлим-да учиб кетарман.
Ширин сўзларидан завқланиб
Меҳр билан қучиб кетарман.

Мактабимга бораман шошиб,
Аъло баҳо олгим келади.
Дарсларимиз тугаши билан
Тезроқ уйга боргим келади.

Ширин-ширин хаёллар билан
Тушлар кўриб ухлаб қоламан.
Бир ниҳолман толеи кулган
Десам арзир бахтли боламан!



МУЧАЛ ТҮЙ

Ўн икки, ҳо ўн икки...
Ўн иккими, бир икки?
Бир икки дема асло
Бу мучалдир – ўн икки.

Болалигим хайр энди,
Подшолигим хайр энди.
Усмирликнинг унутилмас
Боғларига сайр энди.

Орзуларим юрагимда
Юрагимда, тилагимда.
Ватан учун, халқим учун
Ҳар лаҳзада керагимда.

Интилганга толе ёрдир!
Бизда бунга имкон бордир.
Ота-онам, устозларим
Йўлингизда мадаткордир.

Эзгу одат мучал тўй бу,
Қанот боғлаб учар тўй бу.
Тенгдошларим табрик этар
Чин юракдан қучар тўй бу.
Мучал тўй бу, мучал тўй бу...

ЖАВОҲИРНИНГ ОРЗУСИ

Мақтабимга бораман,
Аъло баҳо оламан.
Катта бўлсам бир куни
Ўқитувчи буламан.

Устозим билим берар,
Бизларга дилин берар.
Шогирдим деб шодланиб
Табаррук қулин берар

Бу ишончни албатта
Оқлагайман бир куни.
Насиҳатин ёдимда
Сақлагайман ҳар куни!

МУШУГИМ БОР

Мушугим бор мошгина,
Ҳали жуда ёшгина.
Ҳеч бир жойда турмайди
Жудаям бебошгина.

Сичқон тута олмайди,
Асло кута олмайди.
Ургатсам ҳам барибир
Билганидан қолмайди.

КУНГАБОҚАР

Кунгабоқар
Кимга боқар?
Кунгабоқар
Кунга боқар.

Кунгабоқар
Кимга ёқар?
Кунгабоқар
Менга ёқар.

Атрофида
Гуллари бор,
Уртасида
Дурлари бор.

Кунга қараб
Кулиб турар,

Ёруғликни
Билиб турар

Кулиб турган
Қандай яхши,
Кунгабоқар
Куннинг нақши.

Кунгабоқар
Кимга ёқар?
Кунгабоқар
Кунга ёқар!



МУНДАРИЖА

Муқаддас нима бор ватандан булак.....	3
Она замин омон бўлсин.....	4
Юрагимгаяқинодамлар.....	6
Яхши одамлар.....	7
Яна кўрдим.....	9
Онажоним.....	11
Бунчалар соғинтирдинг.....	12
Қизалоғим.....	14
Бўлмасин уруш дейди.....	15
Шифокорларга.....	16
Сени кўрдим.....	18
Қадамлар.....	20
Нон.....	21
Умр утмоқда.....	22
Неларни истайсан.....	23
Тиланчи.....	24
Ментошларни суяман.....	26
Қарашлар.....	28
Аллоҳим берган хусн.....	29
Бунни ҳамма билади.....	30
Яшамоқ керак.....	32

Демасман.....	3
Дунё.....	3
Кунгил қўйдим.....	3
Оқибат.....	3
Имон азия.....	3
Хатоқилма.....	3
Тўғри сўз яхши.....	4
Кулиб-кулиб.....	4
Устина.....	4
Ишон ёрим.....	4
Бир кун.....	4
Тор кўча.....	4
Алдама.....	4
Сен буюксан.....	4
Бир муҳаббат тарихи.....	5
Сезармикансан.....	5
Сен бор жойда.....	5
Муҳаббат сен.....	6
«Кузларингда сеп бор...».....	6
«Бу дунёга сиғмай кетдим...».....	6
Турна қўшиғи.....	6
Кузги япроқлар.....	6
Шаббода.....	6

Мусичам беозорим.....	68
Ёзгина.....	70
Қорёғсин.....	72
Сирли дунё.....	73
Соғиниб.....	74
Уйлар.....	75
Истарам.....	76
Қайнавергин қалбимдаги булоғим.....	78
Жилға бўлиб.....	79
Аллоҳимга шукрона.....	81
Пойдевор.....	83
«Оппоқ қоғоз...».....	84
Сехрли боғ.....	86
«Нега урмай қолдинг юрагим...».....	87
Бахтли боламан.....	88
Мучал тўй.....	89
Жавоҳирнинг орзуси.....	90
Мушугимбор.....	90
Кунгабоқар.....	91

ХОСИЯТ ИСАЕВА

СЕҲРЛИ БОҒ

Шеърлар

**«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Беш таҳририяти
Тошкент – 2019**

**Мухаррир Вафо Файзуллоҳ
Бадний муҳаррир Баҳром Бобожонов
Техник муҳаррир Жулдиз Кадинова
Саҳифаловчи ва дизайнер Нилуфар Тўйчихонова
Мусахҳих Шарофат Хуррамова**

Нашр лицензияси AI № 201, 28.08.2011-у.

**Босишга рухсат этилди 08.04.2019. Бичими
70x90¹/₃₂, «Cambria» гарнитураси. Офсет босма.
Шартли босма табағи 3,51. Нашриёт-ҳисоб
табағи 3,1. Адади 1000 нусха. 517-сон буюртма.**

**«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси,
100000, Тошкент шаҳри, «Буюк Турон», 41.**